



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 1 сентябрь, № 186 (7688) Сешанба

Сайтимиизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



МУСТАҚИЛЛИК — ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ, БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗ РЎЎБИ ЙЎЛИДА ҚУДРАТ МАНБАИ



Кўксарой қароргоҳида 31 август куни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари масъуллари, илм-фан, маданият соҳаси фидойилари, нурунийлар ва ёшлар иштирок этди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги вакиллари махсус студияларда онлайн кузатиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам нутқини сузлади.

Мустақиллик байрами — бу кутлуг кун шуқуки неча йил ўтса ҳамки қадрини йўқотмайди. Тириклик қадар мангу давом этади. Халқимизнинг, ота-боболаримизнинг кўп йиллик орузи ушалганига — Ватанимиз озодликни қўлга киритганига ҳам 29 йил бўлди. Мустақил ўтган йиллар сарҳисоби беҳисоб ва мазмунли. Биргина кейинги, хусусан, синовли 2020 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар қўлама ҳам ғоят кенгдир.

Иқтисодиёт тармоқлари — хусусий тадбиркорлик, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, савдо-сотик каби йўналишларда янги механизмлар жорий этилди. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида оилавий бизнес, хунармандчилик, томорқчилик, хуллас, бир оила яхши яшаш, ўзини тиклаб олиши зарур бўлган барча йўналишда катта имкониятлар берилди. Солиқ юки енгиллаштирилди.

Бу йил халқимиз учун синовли келди. Табиий ва техноген офатлар, пандемия шароитида халқимиз жипслигини кўрсатди. Бу бало-қазоларни оқилана, аниқ ва пухта ўйланган чора-тадбирлар туфайли енгиб ўтмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ва муҳтарам ватандошлар!

Авалло, сиз азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма тўққиз йиллик байрами билан чин қалбимдан табриқлайман.

Айни пайтда ушбу тантанали маросимни жойлардаги студияларда, шунингдек, уйларда “ойнаи жаҳон” орқали томоша қилаётган, менинг табрик сўзларимни эшитиб турган мўътабар отахон ва онахонларимизга, мунис опа-сингилларимизга, азиз ёшларимизга, барча-барча юртдошларимга ўзимнинг юксак эҳтиромимни билдираман.

Хаммангизга маълум, пандемия туфайли бу йил Мустақиллик байрамини ҳар доимгидек катта тантана ва сайилар билан нишонлаш олмагимиз.

Халқимизнинг саломатлигини ўйлаб, байрам тадбирларини ихчам шаклда, онлайн режимда ўтказмоқдамиз. Лекин, ҳар йилгидек, машҳур санъаткорларимиз ушбу кутлуг санага атаб катта-катта концертлар, бадий дастур-

лар тайёрлашган ва улар телевидение орқали халқимизга тақдим этилади.

Ҳеч шубҳасиз, барчамиз учун энг улуг ва муқаддас бўлган бу байрам шуқуки оилаларимиз даврасида, қалбларимизда, юракларимизда давом этади.

Хурмати дўстлар! Башарият тарихи шундан далолат берадики, ҳар бир халқ фақат эркин ва озод бўлган тақдирдагина, ўз ҳаёти ва келажагини мустақил барпо этиш ҳуқуқига эга бўлади. **“Ҳақ берилмас, ҳақ олинур!”** деб миллат озодлиги йўлида жонини фидо қилган улуг аждодларимизнинг буюк мақсади ҳам шу эди.

Халқимизнинг беқиёс жасорати ва матонатли билан Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислоом Абдуғаниевич Каримов бошчилигида қўлга киритилган давлат мустақиллиги ана шу асрий орузимизни амалда таъминлаган оламшумул воқеадир.

Биз қандай тахликали ва суронли даврларни бошимиздан кечирмайлик, қандай ютуқ ва натижаларга эришган

бўлмайлик, мустақиллик гоёси, истиқлол руҳи бизга доимо тоғдек таянч бўлмоқда.

Бугун чексиз ифтихор билан айта оламизки, донишманд халқимизнинг узокни кўра олиши, бирдамлиги ва фидойи меҳнати билан барча синовлардан муносиб ўтиб келмоқдамиз.

Шу нукта назардан, бизнинг инсоний қадр-қимматимизни, гурур ва шъонимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган Мустақиллик куни Ватанимизнинг шонли тарихида ҳамма энг ёрқин саҳифа бўлиб қолади.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда **“Янги Ўзбекистон”** ибораси тилга олинмоқда. Бу кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган залварли ютуқларимизнинг эътирофидир.

Халқимизнинг улуввор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига

пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас.

Истиқлол йилларида босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлаб, эртанги кунимизга, ўз куч ва имкониятларимизга бўлган ишончимиз янада ортмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Харажатлар стратегиясига мувофиқ барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилган ислохотларимиз бу борада халқимизни оқил бўлмоқда.

“Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган давлаткор гоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда. Биз айни шу асосда халқимиз ҳаётини тубдан яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, инновацион тараққиёт борасида муҳим қадамларни қўймоқдамиз.

Кенг жамоатчилик, эл-юртимиз барча ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бунёдкорига айланмоқда.

Мамлакатимиз фуқаролари қаерда бўлмасин, давлат ҳимоясида жанини, қонун ва адолат қўлини ҳис этиб яшамоқда.

Бугун бир ҳақиқатни қатъий ишонч билан айтиш мумкин: **дунёда турли хавф-хатарлар, манфаатлар тўқнашуви кучайиб бораётган ҳозирги тахликали вазиятда Ўзбекистонда шакланган янги тизим ўзини тўла оқламоқда.**

Азиз юртдошлар! Сизларга маълумки, шу йил бошида 2020 йил учун улкан режа ва мақсадларни белгилаб олган эдик. Бироқ жаҳон миқёсида юзага келган коронавирус пандемияси ва иқтисодий инкирози, Бухоро ва Сирдарё вилоятларида рўй берган табиий ва техноген офатлар барчамизнинг иродамизни қийди ривожлантиришдаги имкониятларимизни кийдириб қўймоқда. Таш келса симириб, сув келса симириб тобланган халқимиз бу оғир кунлардан ҳам ўзининг сабр-матонати, меҳр-оқибати ва меҳнатқашлиги билан янада кучли бўлиб ўтмоқда.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли давлат, жамоат ва дин арбобларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда Ўзбекистоннинг давлат ва жамият қурилишида эришган муваффақиятлари, мамлакатнинг барқарор тараққиётини таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузини мустақамлашга қаратилган кенг миқёсли ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари эътироф этилган.

Мактубларда давлатимиз раҳбари ва Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқига фаровонлик, тинчлик-осойишталик ва раванқ тилаклари изҳор этилиб, халқаро ҳамжамият олдида турган умумий глобал хатарлар тез фурсатда енгиб ўтилишига ишонч билдирилган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари! Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси халқига самимий табриқларимизни изҳор этишга ихозат бергайсиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳар бир аъзоси ўзининг буюк маданияти ва тарихига эга, уларнинг хилма-хиллиги БМТ ва дунёни бойитмоқда. Мамлакатингиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятида халқаро кун тартибидagi барча масалалар борасида иштирок этиши жуда ҳам муҳим.

Жорий йилда, Барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсадларга эришиш бўйича ҳаракатларнинг биринчи ўн йиллигида, барчанинг манфаатига хизмат қиладиган адолатли глобаллашуви барпо этишда умумий мақсадларимизни кучайтиришимиз лозим.

Дунёни барча учун янада тинч, адолатли ва барқарор қилишга интилар эканмиз, бу борадаги барча саъй-ҳаракатларда Ўзбекистон Республикасининг ҳиссаси ва қўмағидан умидворман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган энг юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Антониу ГУТЕРРИШ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Шавкат Мирмонович! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табриқларимизни қабул қилгайсиз.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда эришган муваффақиятлари барчага маълум. Мамлакатингиз жаҳон майдонда эътироф этилган долзарб масалаларни хал этишда муҳим ўрин тутди. Россия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида ривожланиб бормоқда. Ишончим комил, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан кўп қиррали икки томонлама муносабатларни дўст халқларимиз фаровонлиги йўлида янада ривожлантирамиз.

Сизга, муҳтарам Шавкат Мирмонович, сиҳат-саломатлик ва давлат раҳбари сифатидаги фаолиятингизда улкан зафарлар, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Хурмат билан,

Владимир ПУТИН, Россия Федерацияси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурмати Президент Жаноблари! Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва халқи номидан, шаҳсан ўз номимдан Сиз ва Сиз орқали биродар Ўзбекистон халқини давлат мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан самимий табриқлашга ихозат бергайсиз.

Кейинги йиллар Ўзбекистонда Сизнинг забардаст раҳбарлигингизда турли йўналишларда ислохотлар амалга оширилди, давлат қурилиши соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Хитой бундан чин юракдан мамнун. Коронавирус инфекцияси тарқалганидан сўнг Ўзбекистон ушбу эпидемияга қарши курашишда жипслашди. Ўзбекистон халқи бунда галаба қозонишга қатъий ишонаман.

Жорий йилнинг май ойида телефон орқали дўстона руҳда мулоқот қилдик, коронавирუსга қарши умумий курашимиз ва икки томонлама ҳамкорликни мустақамлаш бўйича муҳим келишувларга эришдик.

Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқдан ҳамда ўртамаздаги намунали ишчан муносабатларимиз ва шахсий дўстликни юксак қадрлайман.

Сиз билан биргаликда Хитой — Ўзбекистон ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида ривожлантиришда янги натижаларга эришиш учун ҳаракат қилишга тайёрман.

Дўст Ўзбекистонга раванқ ва куч-қудрат, унинг халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Си ЦЗИНЬПИН, Хитой Халқ Республикаси Раиси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари! Америка халқи номидан Сиз ва Ўзбекистон халқини мамлакатингиз мустақиллигининг 29 йиллиги билан табриқлайман. Америка Қўшма Штатлари давлатингиз суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини қўллаб-қувватлашда сизга ёлқошди.

Утган йил ичида, ҳатто глобал хатарларга қарамай, янада чуқурлашган кенг миқёсли ҳамкорлигимизни юқори баҳолайман. Марказий Осиёё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш ҳамда Афғонистон билан ҳамкорлик ва ришталарни яхшилаш бўйича ташаббусингизни олқушлайман. Шунингдек, мен катта мақсадларни кўзловчи ислохотлар дастурингизни юксак қадрлайман, у тўлиқ амалга ошгач, Ўзбекистон халқи ва умуман минтақанинг янада очик ва фаровон келажagini таъминлайди.

Америка Қўшма Штатлари ушбу ташаббусларда ва COVID-19 га қарши курашда шерингизни эканидан фахрланади. Келгуси йилда ҳамкорлигимизнинг янада самарали натижаларига умид қилиб қоламан.

Хурмат билан,

Дональд ТРАМП, Америка Қўшма Штатлари Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Шавкат Миромонович! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. Таърих қисқа даврда мамлакатингиз катта ютуқларга эришди — у нафақат Марказий Осиёда, балки халқаро майдонда ҳам фаол иштирокчи бўлди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Шавкат Миромонович! Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. Сизнинг қучли ва эҳтиромга сазовор раҳбарлигингизда Ўзбекистон барқарор ривожланиши таъминлашга, халқаро майдондаги мавқени мустақамлашга хизмат қилаётган кенг миқёсли, узоқ истиқболга мўлжалланган ислохотларни ишонч билан амалга оширмакда.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович! Қадрли биродарим! Туркманистон халқи ва Ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан Сизни ва Сиз орқали бутун Ўзбекистон Республикаси халқини мамлакатингиз Мустақиллик куни муносабати билан самимий қутлаш ва энг яхши тилакларимни изҳор этиш шарафига муяссарман.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович! Сизни ва барча юртдошларингизни миллий байрам — Мустақиллик куни билан чин юракдан қутлайман. Шундай муҳим кунда Сизга мустақим соғлиқ, бахт-саодат, ишларингизда янги зафарлар, қардош ўзбек халқига эса абадий тинчлик, фаровонлик ва раванқ тилайман.

Хурматли Шавкат Миромонович! Сизни ва барча юртдошларингизни миллий байрам — Мустақиллик куни билан чин юракдан қутлайман. Шундай муҳим кунда Сизга мустақим соғлиқ, бахт-саодат, ишларингизда янги зафарлар, қардош ўзбек халқига эса абадий тинчлик, фаровонлик ва раванқ тилайман.

Нурсултон НАЗАРБЕКОВ, Қозғистон Республикасининг Биринчи Президенти — Элбоши

Қосим-Жомарт ТОҚАЕВ, Қозғистон Республикаси Президенти

Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ, Туркманистон Президенти

Эмомали РАҲҲОН, Тожикистон Республикаси Президенти



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Хурматли Шавкат Миромонович! Киргиз Республикаси халқи номидан ва шахсан ўз номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон Республикаси халқини Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этаман. Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистоннинг минтақада ва бутун дунёдаги мавқеи сезиларли даражада мустақамлашганини, мамлакатда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ижобий натижалар бераётганини таъкидламоқчиман.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент, хурматли қардошим! Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини ва Сиз орқали бутун ўзбек халқини халқим ва шахсан ўз номидан энг самимий туйғуларим ила муборакбод этаман. 29 йиллигини қўтлаётган дўст ва қардош ўлка — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги биз учун буюк қувонч ва бахтиёрлик манбаидир.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Шавкат Миромонович! Сизга ва бутун Ўзбекистон халқига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллик байрами муносабати билан энг самимий табрикларимни изҳор этишга изжозат бергайсиз. Ўтган йили Ўзбекистонга таширфим давомида алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилган мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада фаол ривожланиб боришига умид қиламан.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Шавкат Миромонович! Сизга ва мамлакатингиз фуқароларига Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан самимий табрикларимни йўллайман. Ўтган йилги ўзаро таширфларимиздан буюн Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги муносабатлар мустақамлашиб бораётгани жуда қувонарлидир.

Сооронбай ЖЭЗНБЕКОВ, Киргиз Республикаси Президенти

Режеп Таййип ЭРДОҒАН, Туркия Республикаси Президенти

Мун Чже ИН, Корея Республикаси Президенти

Франк-Вальтер ШТАЙНМАЙЕР, Германия Федератив Республикаси Президенти

Шунингдек, куйидагилар ўз табрикларини йўллаган: НАРУХИТО Рам Натх КОВИНД, Ашраф ГАНИ, Илхом АЛИЕВ, Александр ЛУКАШЕНКО, Игорь ДОДОН, Владимир ЗЕЛЕНСКИЙ, ЕЛИЗАВЕТА II, ФИЛИПП ФИЛИПП VI, Виллем-Александр Карл XVI Густав, Александр Ван дер Беллен, Румен Радев, Янош Адер, Сержо Маттарелла.

Эгилс ЛЕВИТС — Латвия Президенти, Анжея ЧУПА — Польша Президенти, Зузана АДУЛТОВА — Словакия Президенти, Милош ЗЕМАН — Чехия Президенти, Симонетта Соммаруга Франциска — Швейцария Президенти, Халифа бин Зоид Ол Нахаён — БАА Президенти, Абдулфаттоҳ Ас-Сиси — Миср Президенти, Ҳасан Руҳоний — Эрон Президенти, Имрон Хон — Покистон Бош вазири, Ҳайсам бин Ториқ — Умон Султони, Жок Видуодо — Индонезия Президенти, Султон Абдуллоҳ Риятуддин Ал-Мустафо Биллоқ — Малайзия Подшоҳи, Халима Якуб — Сингапур Президенти, Родриго Дутерте — Филиппин Президенти, Махмуд Аббос — Фаластин Президенти

Абдул Ҳамид Шайх Ҳасина, Абдулмажид Таббун, Буньян Ворачит, Хосе Даниэль Ортега Сааведра, Муҳаммад бин Зоид Ол Нахаён, Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум, Цюй Дунъюй, Зураб Пололикашвили.

Кунио Микүрия, Салим Ал-Малик, Жильбер Унгбо, Бағдат Амреев, Сергей Лебедев, Жаҳон божона ташкилоти бош котиви, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти (АЙСЕКО) бош директори, Кишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси президенти, Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгаши Бош котиви, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ихроия қўмитаси раиси — Ихрочи котиви

Хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар ва жамоат арбобларидан қутловлар келиши давом этмоқда.

Эътироф

ЎЗБЕКИСТОН ЮКСАК НАТИЖАЛАРИНИ ҚўЛГА КИРИТИШДА ДАВОМ ЭТАДИ

Юртимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида халқаро жамоатчилик Ўзбекистон кейинги йилларда қўлга киритаётган ютуқлар ҳақида алоҳида эътироф этмоқда. Улардан айримларининг фикрларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Фредерик БРЕССАНД, Франция Теуриийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси президенти, Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси: — Авваламбор, Франция Теуриийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ассоциацияси жамоаси номидан биз учун ҳамшиша қадрли бўлган Ўзбекистон Мустақиллигининг 29 йиллик байрами муносабати билан чин қалбимдан табриклайман.

сўнг мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида кўп ҳиссада ўзгаришлар амалга оширилди. Айнисиз, сўнгги тўрт йилдаги мисли қўрилмаган ислохотлар ва ижобий ўзгаришлар, жаҳоннинг кўп давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларининг изчил ривожланиши бизни қувонтирмай қолмайди. Утган йили жамиятимиз ташкил топганининг 30 йиллик юбилей тадбирларини кўна ва қадимий Тошкент, Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларида нишонлаш бахтига муяссар бўлдик. Франциядан таширф буюрган кўп сонли делегация аъзолари Ўзбекистонда юз бераётган кенг кўламли ўзгаришларга бевоқиф гувоҳ бўлдик. Бугунги кун биз учун ноодатий пандемия даври бўлса-да, бу бизнинг ҳаракатларимизга таъсир этгани йўқ. Мен деярли ҳар

қуни ўзбекистонлик хунарманд, рассом, кул ва археолог дўстларим билан видео-мулоқот қиламан. Шунингдек эътироф этмоқчиманки, уларнинг фаолияти бир дақиқа ҳам тўхтагани йўқ. Муҳими, уларнинг кайфияти аъло даражада. Бу мени, албатта, хурсанд қилади. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига сиҳат-саломатлик, тинчлик-осойишталик, мамлакат раҳбариятига эса мустақам соғлиқ, давлатингиз ривожига ва фаровонлигини йўлда улкан зафарлар тилайман. Гранелло РОБЕРТО, “Kelmer Group” (БАА) компанияси раҳбари: — Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами арафасида табрик йўллаётганимдан жуда бахтиёрман. Мен ўзимни Ўзбекистоннинг оила аъзоси деб биламан ва бундан жуда мамнунман. Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқи ва Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

самимий табрикларимни йўллаб қоламан. “Kelmer Group” компанияси Ўзбекистонда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ривожланишларда, оз бўлса-да, ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қияпти. Хабарингиз бор, яқинда “Kelmer Group” ўзининг 19-филиалини Андижон вилоятида очди. Биз халқаро инвестицияларни кўпроқ замонавий, халқаро стандартларга мос тураройлар қурилишига йўналтирмаёқчимиз. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишига ўз тажрибаларимизни қўлаб, янги халқаро инвестицияларни ҳам жалб қилиш ниятдаимиз. Биз Ўзбекистонда фаолият олиб бораётганимиздан мамнунимиз. Ҳамкорлигимиз янада кенг қўл очиб кетилиши ишончим комил. Мамлакатингиз бундан кейин ҳам юксак натижаларни қўлга киритишда давом этади. Ўзбекистонга тинчлик, халқингизга фаровонлик тилайман. Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЖЖАТИ ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИДИР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган “Озодликдан маҳрум этиш ҳазосини ўтаётган, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон нафақат халқимиз, шу билан бирга, нуфузли оммавий ахборот воситалари, таниқли экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Ҳиндистондаги номдор “Diplocacy India” ва “SarkariTel” нашрларида инсонпарварлик ҳамда гамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлган ушбу ҳужжат ҳақида алоҳида сўз юритилди. Жумладан, нашрларда Ўзбекистон Президенти 113 нафар фуқарони афв этиб, қилмишига чин

қўнғилдан пушаймон инсонларга меҳрибонлик кўрсатилгани қайд этилди. Ушбу ҳужжатнинг Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинганнинг 29 йиллиги арафасида имзолангани алоҳида таъкидланади. “Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Конституциясининг 93-модда-

си 23-бандига асосан содир этган жинояти учун ҳазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 113 нафар фуқаро афв этилди”, дейилди хабарларида. Хорижий нашрлардаги мақола-ларда, шунингдек, озод этилган инсонларни ижтимоий ҳаётга мослаштириш таъминлаш бўйича кўриладиган вазифалар, бу борада Президент кўрсатмалари ҳақида тўхталиб, шундай дейилади: “Фармон ижроси озаосидан афв этилган шахсларни оила ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали

мехнат билан шуғуллинишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга қўлдам бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди”. Пер ШАБАЛ, Франциядаги Гавр университети профессори, Марказий Осиё бўйича мутахассис: — Афв эълон қилиш осон қарор эмас, аммо бу яқинда амалга оширилган тўб ислохотлар натижасидир. Бу ҳоқимият ҳамда жамият ўртасидаги ишонч ва мулоқот учун зарур. Фурсатдан фойдаланиб, мен барча Ўзбекистон фуқароларини мамлакат Мустақиллигининг 29 йиллиги билан табриклайман. Франциянинг илмий-маърифий доира вакили сифатида Ўзбекистон олий ўқув муассасаларининг дунёдаги етакчи университетлари билан ҳамкорликини кенгайтираётганини эътироф этаман. Шу муносабат билан мен Ўзбекистонга Франция билан университетларо ҳамкорликини кенгайтиришда ёрдам беришга тайёрман. Алшер БЕРДИЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР УЧУН БАЙРАМ ТУҲФАСИ



Эътибор

Янги хонадонлар қалитларини ўз эгаларига топшириш маросимида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари қатнашди. Эътироф этилгандек, кейинги йилларда ҳарбий соҳага юксак даражада эътибор қаратилаётгани туфайли ҳарбий қисм ва муассасалар, дала-ўқув майдонлари инфратузилмаси такомиллаштирилиб, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларига қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда. Ватан ҳимоячиларини уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида

қўллаб-қувватлаш давом эттирилади. Масалан, сўнгги уч йилда биргина Шимол-Гарбий ҳарбий округда 300 нафардан зиёд ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли ипотека кредити асосида 8 та уй барпо этилди. Нукус гарнизонидagi Ватанпарвар маҳалласида қад ростлаган 30 хонадондан иборат, барча қўлайликка эга иккита 5 қаватли янги уй юрт ҳимоячилари учун энг улуғ, энг азиз айёмга ўзига ҳоқ туҳфа бўлди. Тадбирга таширф буюрган меҳмонлар ҳарбий хизматчилар хонадонларида бўлиб, уларга оилавий бахт ва омад тиладилар. «Халқ сўзи». Шимол-Гарбий ҳарбий округ матбуот хизмати сурати.


Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси Миллий театрининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатхуллага МАБСУДОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақинларига чўқур таъзия изҳор этади.

Uzkimyosanoat

*«Uzkimyosanoat» акциядорлик жамияти
юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг*

29 йил

*билан севимини қўшаётди!
Барча мустақкам соғлиқ,
омад ва зафарлар тилаётди.*




29 YIL

VATANIMIZ MUSTAQILLIGI MUBORAK BO'LSIN!

www.asakabank.uz
Xizmatlar litsenziyalangan.




«GALLA-ALTEG» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни,
шу жумладан,
халқимиз турмуш фаровонлигини
юксалтириш йўлида
меҳнат қилаётган қишлоқ хўжалиги ходимлари,
деҳқон ва фермерлар, иқтисодий ислохотлар
жараёнида фаол иштирок этиб,
янги тизим афзаллигини рўёбга чиқараётган
кластер ходимларини
Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни
байрами билан қутлайди!

Аҳоли дастурхонини
нондек азиз
неъмат билан серфайз
қилаётганидан
жамият аъзолари
доимо мамнун.

Барчага тинчлик-хотиржамлик,
бахт-саодат, узок умр тилайди.




Мухтарам юртдошлар! Барчангизни жонажон Ўзбекистонимиз Мустақиллигининг

29 йиллик

байрами билан
муборакбод этамиз!

*Ватанимиз фаровонлиги йўлида амалга
ошириладиган ислохотлар самараси доимо юқори бўлсин.
Аҳоли турмуш фаровонлиги
бундан-да юксалаверсин!
Бугунги синовли даврда барчага сабру бардош,
куч-қувват, мустақкам соғлиқ, меҳр-мурувват,
тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.*

«EYVALEK-TECHNOLOGY» МЧЖ жамоаси.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.




Тахририятга келган қўғамлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг озказиб берилиши учун обунали расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Солиқов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 23.15 Топширилди — 00.00 1 2 3 4 5 6